АНГЛИЯДА ТАЪЛИМ ОЛИШАДИ

Буюк Британиянинг жаҳонга машҳур университетлари янги ўқув йилидан бошлаб ўзбекистонлик 35 йигит ва қизни ўз бағрига олади. Лондонга жўнаб кетувчи бу ёшлар "Умид" жамғармаси йўлланмасини олишга сазовор бўлдилар. Жўнаб кетувчилар орасида Нукусдан Дўстбер Мусаев, Тошкентдан Мурод Ҳамроев, Самарқанддан Озода Мўминова, Равшан Умархўжаев ва бошқалар бор. Улар Англияда ўқиш учун тест имтиҳонларини аъло баҳоларга топширдилар.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

"ШАРҚ ЛИБОСЛАРИ" КЎРИГИ

"Шарқ либослари" кўрик-танловини Наманган вилояти хотин-қизлар қўмитаси, тадбиркор аёллар уюшмаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ташкил этди. Байрамга бағишланган бу тадбирда шаҳар ва туман кўрикларининг ғолиб чеварлари ўзлари ижод этган либослар билан иштирок этишди. Якунга кўра Наманган шаҳри умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни олди. Соҳиба Дадабоева, Махфират Усмонова ҳамда Муяссар Ҳафизовалар яратган либослар юқори баҳоланиб, совринли ўринларга тақдим этилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ХОРИЖДАН ТАЖРИБА ЎРГАНИШДИ

Бир гуруҳ фарғоналик раҳбар ходимлар Франция сафарида бўлиб, бозор иқтисодиёти масаласи бўйича тажриба тўплаб қайтишди. Улар тадбиркорлик мактаблари ва уларни ташкил этиш, молиявий таъминланиш йўл-йўриқлари хусусида малака оширдилар. Тез орада Фарғонада ташкил этиладиган олий бизнес мактабини йўлга қўйишда улар тўплаган тажриба қўл келиши табиий.

Алишер ИБОДИНОВ

ЧЎПОН БОЛАЛАРИ УЧУН МАКТАБ БОЗОРИ

Қорақалпоқ Республикаси шаҳар ва қишлоқларида, олис яйловларида ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик қизғин ўтказилмоқда. Хусусан, Қизилқум барханларида чорвани яйратиб юрган чўпонларнинг фарзандлари учун қарийб 63 жойда мактаб бозорлари ташкил қилинди. Чўпон болалари ўзлари учун зарур ўқув қуроллари ва дарсликларни олишмоқда. Барча маҳсулотлар "Ўзбекбирлашув" омборларидан шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 19 август, сешанба № 97 (22.181).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1996 йил 19 август* — ***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзғўштсутсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини хусусийлаштириш, акционерлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор чиқарди. Айни пайтда ушбу қарор асосида соҳада жиддий ўзгаришлар амалга оширилябти.***

Шу куни Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташиш транспорти хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 август куни Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Билл Ричардсонни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Б. Ричардсонни самимий қутлаб, ушбу ташрифни АҚШда Ўзбекистонга ва умуман Марказий Осиё минтақасига қизиқиш тобора ортиб бораётганининг яна бир белгиси, дея изоҳлади.

— Биз ҳамиша АҚШнинг Марказий Осиё билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдори эканмизни таъкидлаймиз, — деди Ислом Каримов. —Марказий Осиё минтақаси ўзининг мўл-кўл табиий заҳиралари, иқтисодий салоҳияти ва стратегик аҳамиятга молик бўлган жуғрофий-сиёсий жойлашуви билан XXI асрда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди.

АҚШнинг БМТдаги доимий вакили самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.



СУРАТДА: Президент Ислом Каримов «Самсунг электроникс ко ЛТД» раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жинни қабул қилаётган пайт.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фақулодда ва мухтор элчиси С. Эскудеро ҳозир бўлди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 август куни Жанубий Кореянинг «Самсунг электроникс» компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жинни қабул қилди.

«Самсунг электроникс» компанияси мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитни, бозорлар ва иқтисодий инфратузилмаларни узоқ вақт мобайнида тадқиқ қилди. Эндиликда бу компания Тошкентдаги «Алгоритм» заводи билан ҳамкорликда бир неча турдаги маиший техника жиҳозларини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

— Ўзбекистон корхоналари билан сиз раҳбарлик қилаётган компания ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши — муҳим воқеа, — деди Ислом Каримов.

«Самсунг электроникс» компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жин Ўзбекистонга сармоя киритиш шарт-шароитини тадқиқ қилиш учун анча вақтни кетказганидан афсус билдириб, бу йўқотишни тез орада самарали йўллар билан қайта тиклаш ва ҳамкорликни жадал суръатлар билан давом эттириш нияти борлигини маълум қилди. Чунки, деб таъкидлади кореялик меҳмон, Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Биз бу борада беҳуда иккиланган эканмиз.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари билан «Самсунг электроникс» ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси Р. Саримсоқов иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДАГИ БИР ҚАНЧА НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ҲАМДА ТРАНСПОРТ, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини қуриш ва уни муддатидан илгари ишга туширишдаги, Алан, Шўртон, Қўқдумалоқ конларида, Муборак газни қайта ишлаш заводида янги қувватларни ишга туширишда ва уларни ўзлаштиришдаги фидокорона меҳнатлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

•

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

БЕГМАТОВ Хусан — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» бирлашмасига қарашли «Муборакгаз» газ конлари бошқармасининг ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш механизациялаштириш бўлими бошлиғи

БУРХОНОВ Болта — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «Ўзқурилишмеханизация» акциядорлик жамияти 220-механизациялашган кўчма колоннасининг кран машинисти

ИКРОМОВ Нуритдин — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «Бухороқурилиш» акциядорлик жамияти 6-қурилиш-монтаж фирмасининг дурадгорлар бригадаси бошлиғи

МУСАЕВ Музаффар Зарипович — «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «Бухоросувқурилиш» трести 81-махсус механизациялашган кўчма колоннасининг экскаватор машинисти

НАПЛЁКОВ Владимир Степанович — «Ўзэлектромонтаж» бирлашмасига қарашли Бухоро монтаж бошқармасининг электро монтажчилар бригадаси бошлиғи

САКСАНОВ Саттор Сафарович — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли очиқ турдаги «Бухоронефтзаводқурилиш» акциядорлик жамияти 2-ваколатхонасининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи

ТУРДИЕВ Ашур Искандарович — Навоий қурилиш бошқармасига қарашли механизация бошқармасининг оғир кран машинисти

ХОЛМАТОВ Исмоил Тожиевич — «Ўзбеккимёмаш» акциядорлик жамияти буғ қозони пайвандлаш цехининг қозон қуювчиси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

АУЛОВ Сергей Иванович — Навоий қурилиш бошқармаси 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг дурадгор бетончилар бригадаси бошлиғи

АХМЕТОВ Лерек — «Ўзавтотранс» давлат акциядорлик корпорациясининг раиси

БОМУРОДОВ Шариф — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасига қарашли 2-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннасининг монтажчиси

БАЕВ Николай Дмитриевич — Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли 4-монтаж бошқармасининг электромонтажчиси

ГУСЕЙНОВА Лилия Қурбоновна — Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли «Энерго-ҳимоя» жамоа корхонасининг директори

ДАВРОНОВ Ниёз Жўраевич — «Ўздеққончиликқурилиш» бирлашмасига қарашли Бухородаги 20-трест акциядорлик жамияти механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи

ДЕБЕРДИЕВ Саид Салахович — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясига қарашли «Нефтгазтаъминот» савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси 5-ишчилар таъминоти бўлимининг ошпази

ЖУМАНИЁЗОВ Озод— «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли очиқ турдаги «Бухоросаноатқурилиш» акциядорлик жамияти 6-ваколатхонасининг монтажчилар бригадаси бошлиғи

КАМОЛОВ Анвар Жамолович — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Бухороирқурилиш» трести бошқарувчиси

КУЗЬМИНСКИЙ Геннадий Абромович — Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли 4-монтаж бошқармасининг бошлиғи

МИРЗАЕВ Иркин Қодирович — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли очиқ турдаги «Қашқадарё нефтгазсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси

МОГИРЕВ Анатолий Васильевич — «Ўзбектрансқурилиш» уюшмасига қарашли «Самарқандтрансқурилиш» бошқарувчисининг ўринбосари

МУНЬКО Валентин Николевич — «Ўзгазузатиш» бирлашмасининг компрессор станцияларини ишлатиш бўлими бошлиғи

НАЗАРОВ Лутфилло Олимович — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концернига қарашли Жондор тумани автомобиль йўллар бошқармасининг трактор ҳайдовчиси

НИЁЗОВ Намоз Сувонович — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» бирлашмасига қарашли «Шўртангаз» конлари бошқармаси газ кондесатини барқарорлаштириш цехи бошлиғи

НОСИРОВ Убайдулло Ибодуллаевич — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасига қарашли «2-Бухоровилоятжамоахўжаликқурилиш» трести бошқарувчиси

НУРТАЗАЕВ Нагашбой Кожабоевич — «Ўзқурилишматериаллари» давлат концернига қарашли «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг айланма печи машинисти

ОЧИЛОВ Рамазон — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясига қарашли «Ўзбекнефтгазгеология» корхонаси Қоровулбозор нефть ва газ қидирув экспедициясининг бурғулаш устаси

РУСТАМОВ Тошмамат — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Бухоро темир йўл бўлими бошлиғи

САИДОВ Равшанқул Болтаевич — «Ўзбекнефтгаз»миллий корпорациясига қарашли «Ўзбекгеофизика» корхонаси Бухоро геофизика экспедицияси партиясининг бошлиғи

СУЛАЙМОНОВ Акбар Исроилович — «Ўздеққончиликқурилиш» бирлашмасига қарашли «Ўздеққончиликсаноаттехмонтаж» трести 376-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма колоннасининг чилангар монтажчиси

ТОҒАЙАЛИЕВ Абдунаби — Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига қарашли «Алоқаинвест» акциядорлик жамияти раиси

УМАРОВ Олимжон Кароматович — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Бухороирқурилиш» трести Бухоро механизациялашган кўчма колоннасининг участка бошлиғи

ХАФИЗОВ Рустам Робертович — «Ўзгазузатиш давлат бирлашмасига қарашли «Газэнергосервис» корхонасининг катта устаси

ҲАЗРАТОВ Баҳром Давронович — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясига қарашли «Ўзнефтгазалоқа» бошқармаси Муборак ишлаб чиқариш-тех-

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 19 августидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	*53,74*	*1 Норвегия кронаси*	*9,59*
1 Австрия шиллинги	*5,67*	*1 Польша злотийси*	*20,78*
1 Англия фунт стерлинги	*116,83*	*10 Португалия эскудоси*	*3,94*
10 Бельгия франки	*19,36*	*1 Сингапур доллари*	*47,88*
1 Голландия гульдени	*35.52*	*1000 Туркия лираси*	*0,44*
10 Греция драхмаси	*2,55*	*1 Финляндия маркаси*	*13,35*
1 Дания кронаси	*10,50*	*1 Франция франки*	*11,86*
1 БАА дирхами	*19,73*	*1 Швеция кронаси*	*9,14*
1 АҚШ доллари	*72,45*	*1 Швейцария франки*	*48,34*
1 Миср фунти	*21,42*	*1 ЭКЮ*	*78,32*
1 Ирландия фунти	*106,10*	*10 Жанубий Корея вони*	*0,81*
1 Исландия кронаси	*1,00*	*10 Япония иенаси*	*6,19*
10 Испания песети	*4,73*	*1000 Россия рубли*	*12,47*
100 Италия лираси	*4,10*	*1 Украина гривнаси*	*39,06*
1 Канада доллари	*52,13*	*1000 Белорусь рубли*	*2,65*
1 Хитой юани	*8,74*	*1 Эстония кронаси*	*5,72*
1 Қувайт динори	*237,93*	*1 Латвия лати*	*122,38*
100 Ливан фунти	*4,71*	*1 Литва лити*	*18,11*
1 Малайзия рингги́ти	*26,11*	*1 Қозоғистон тенгеси*	*0,96*
1 Германия маркаси	*39,99*	*1 Қирғизистон соми*	*4,21*

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси:

ҲИСОБ-КИТОБЛАР ДЕҲҚОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қорори эълон қилинди. Ушбу қарорда пахта йиғим-терими мавсумига пухта ҳозирлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ҳокимликлар, вазирликлар ва идоралар зиммасига катта вазифалар юкланди.

Жумладан, «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси олдига ҳам бу йил катта масъулият юкланди. Хўш, уюшма корхоналари янги мавсумга қандай тайёргарлик кўришяпти?

Нималар амалга оширилдию, навбатдаги вазифалар қандай? Бу ҳақда «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси раиси Эркул ЗИКРИЁЕВ махсус мухбиримиз Шоҳайдар МИРҲАБИБОВга қуйидагиларни гапириб берди:

Қарор ва ижро

— Авваламбор шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига биноан биз топширилган пахта ҳом ашёси учун хўжаликлар билан унинг қийматини 90 фоизидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилишимиз зарур. Ўзил-кесил ҳисоб-китоблар эса қайта ишлаш якунлари бўйича амалга оширилади. Хуллас пахта маҳсулоти ҳажмларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини оширишга эътиборни кучайтирамиз.

Мавсумга ҳозирликни эса аллақачон бошлаб юборганмиз.Шу йилнинг 29 июлида Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда 1997 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз халқ хўжалиги иш фаолиятининг якунлари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ўзининг сермазмун маърузасида ўтган ярим йиллик иш якунларини таҳлил қилиб, эришилган натижаларни танқидий нуқтаи назардан баҳолаб, шу йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилиши керак бўлган масалаларни белгилаб берди.

Мамлакатимиз Президентининг шу маърузаси асосида қабул қилинган қарорлар ва хулосалардан келиб чиқиб, биз ҳам ҳисобот даврининг иш якунларини таҳлил қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва иккинчи ярим йилликда бажариладиган вазифаларни белгилаб олдик.

Шу йилнинг 8 августида «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасида республика пахта саноати ходимларининг «1997 йилги янги ҳосил пахтасини қабул қилиб олишга тайёргарлик кўриш» мавзуига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда биринчи ярим йилликдаги молия-хўжалик якунлари кўриб чиқилди ва келажакдаги режалар белгилаб олинди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, пахта тозалаш корхоналарида ўтган вақт давомида муайян ишлар амалга оширилди. 1996 йил ҳосилидан уюшма корхоналарида 3350,1 минг тонна пахта қайта ишланиб, сифатли тола олинди. Пахта тозалаш заводлари 1997 йилда 185,1 минг тонна уруғлик чигитни хўжаликларга тарқатди. Тарқатилган уруғлик чигитнинг 80 фоизи 1 синфга, қолгани эса 2-синфга мансубдир. Плёнка остига экиш учун 22,4 минг тонна чигит ишлатилди. Хорижий мамлакатларга ортилган маҳсулот сифатига келаётган эътирозномалар икки марта камайди.

Қурилишга 423,9 миллион сўм капитал маблағ сарфланди, унинг 361,5 миллион сўми қурилиш-монтаж ишларига сарфланди. Ишлаб чиқариш қурилишларига кетган харажат умумий қилинган ишларнинг 389,3 млн. сўмини ёки 91,8 фоизини ташкил этади.

Барча мавжуд қийинчиликларга қарамай, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жойларда қўшимча 500 та иш ўринлари ташкил этилди, режадаги 75,0 млн. сўм ўрнига 150,88 млн сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди ёки уларни ишлаб чиқариш 1,4 марта кўпайди ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларидан

(Давоми 2-бетда)

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Ромаллах шаҳрида Исроил ва Фаластин хавфсизлик хизмати раҳбарларининг «Хамас» ва «Ислом жиҳоти» гуруҳларига қарши кураш масалалари бўйича музокаралари бошланди. Бу музокараларда марказий разведка бошқармаси вакили ҳам иштирок этиши мумкин. Ўтган ҳафтада Яқин Шарққа ташриф буюрган АҚШ давлат котиби ўринбосари Дэннис Росс воситачилигида Исроил ва Фаластин хавфсизлик хизмати вакилларининг ҳамкорлиги ҳақида келишиб олинган эди. Ўтган жума куни эса Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат Исроил раҳбариятидан Фаластин махсус хизмати вакилларининг терроризмга қарши кураш бўйича фаолиятига тегишли талаблар рўйхатини олган эди.

***

Америка-Жанубий Корея ҳарбий машқларини бошлаш режалаштирилган. Бу машқлар ҳар йили Америка-Жанубий Корея бирлашган ҳарбий қўмондонлиги томонидан Корея ярим оролининг жанубида ўтказилади. Олдинга қўйилган вазифалар йўналиши, жалб этиладиган ҳарбийлар ва фуқароларнинг сони жиҳатидан у катта аҳамиятга эга. Корея Халқ Демократик Республикаси ушбу машқларни бекор қилишни талаб қилди.

***

Кўпдан бери қутилганидек Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан Чеченистон Республикаси Президенти Аслан Масхадовнинг учрашуви кеча бўлиб ўтиши керак эди. Шу муносабат билан Хавфсизлик Кенгаши котиби Иван Рыбкин учрашув олдидан Чеченистон бош вазирининг биринчи ўринбосари Мовлади Удугов билан музокаралар олиб борди. Удуговнинг айтишига кўра учрашув давомида Россия ва Чеченистон ўртасида тинчлик ва ўзаро муносабатларни яхшилаш юзасидан ҳужжатлар имзоланади. Рыбкин эса икки мамлакат раҳбарининг учрашувига тайёргарлик учрашув бошлангунча давом этажагини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДАГИ БИР ҚАНЧА НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ҲАМДА ТРАНСПОРТ, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

нологик цехининг бошлиғи

ХЎЖАЕВ Сайфулло Усмонович — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли «Бухоронефтзаводқурилиш» акциядорлик жамияти 1-ваколатхонасининг газэлектр пайвандчиси

ЩЕРБАКОВ Анатолий Иванович — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли Чирчиқ монтаж бошқармасининг монтажчилар бригадаси бошлиғи

ҚАЮМОВ Абудраҳмон Абдунабиевич — «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «Ўзирмаш» ихтисослаштирилган бирлашма директори

ҲАЙИТОВ Карим Истамович — «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «Амубухороканалқурилиш» бошқармаси 5-механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи

Қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

АРУСТАМЯН Христик Амазович — «Ўздеккончиликқурилиш» бирлашмаси раисининг ўринбосари

БОБОЕВ Ботир Пардаевич — «Ўзавтойўл» давлат концернига қарашли «Термизободончилик» бошқармасининг автокран ҳайдовчиси

КАМОЛОВ Саидазим Аҳмедович — «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «Қаршиқурилиш» махсус қурилиш бирлашмаси уй-жой қурилиш трести 29-механизациялашган кўчма колоннасининг дурадгорлар бригадаси бошлиғи

ЛАЗОВСКИЙ Вячеслав Михайлович — «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концернига қарашли «Жанубсаноатмонтаж» трести бошқарувчиси

ОРЕШНИКОВ Валерий Васильевич — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли Самарқанд монтаж трести бошқарувчиси

ПЎЛАТОВ Мурод — «Ўзсувқурилиш» давлат концерни раисининг ўринбосари

РАЖАБОВ Анвар Рўзиевич — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли «Бухоронефтзаводқурилиш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

ХАФИЗОВ Бахтиёр Яхъёевич — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли «Бухорогазсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

ХОЖИЕВ Собир Файзуллаевич — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» бирлашмасига қарашли «Нефтгазқурилиштаъмирлаш» акциядорлик жамияти 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси

ХОЖИЕВ Қаҳрамон Саидович — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «Бухороқурилиш» акциядорлик жамияти раиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

АХТЯМОВ Александр Равильевич — «Ўзнефтқазибчиқариш» бирлашмасининг компрессор станциялари бўйича бош мутахассиси

МИРЗАЕВ Тўйчи Ҳамроевич — «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясига қарашли «Ўзбекнефтгазгеология» корхонаси Косон нефть-газ қидирув экспедициясининг бурғуловчиси

НОРМАТОВ Неъмат Хожиматович — «Ўзгазузатиш» давлат бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

ПАРПИЕВ Муҳитдин Саматович — «Ўзқурилишматериаллари» давлат концернига қарашли «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамиятининг эксковатор машинисти

ТОЖИЕВ Эргаш Тожиевич — «Ўздавнефтмаҳсулот» давлат акционерлик бирлашмасининг бош директори

УМАРОВ Ўктам Темирович — «Ўзгазқазибчиқариш» бирлашмасига қарашли Муборак газни қайта ишлаш заводининг ишлаб чиқариш технологик бўлими бошлиғи

Қуйидагилар «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи» билан мукофотлансин:

АЛИМОВ Аваз Абрамович — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли «Муборакнефтгазмонтаж» акциядорлик жамияти 9-ваколатхонасининг бош муҳандиси.

АТАУЛЛАЕВ Шукрулло Нутфиллоевич — «Ўзбекистонтемирйўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Бухоро вагон депоси бошлиғи

БАҲРОНОВ Ҳалим Ҳамроевич — «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концернига қарашли «Жанубсаноатмонтаж» трести монтажчилар бригадаси бошлиғи

БЕКИЕВ Делмурот Боймуродович — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» бирлашмасига қарашли Муборак газни қайта ишлаш заводи 3-цехининг оператори

БОЗОРОВ Ражаб — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Бухороирқурилиш» трести Ромитан механизациялашган кўчма колоннасининг бетончиси

ЖАЛИЛОВ Абдулла — «Ўзавтотранс» давлат корпорациясига қарашли «Бухоротранс» давлат акциядорлик бирлашмаси «Қоракўл АТК—139» акциядорлик жамиятининг ҳайдовчиси.

ЗАРИПОВ Ульфат Раупович — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» бирлашмасига қарашли «Ўзбекгазпармалаш» трести «Бухоронефтгазпармалаш» акциядорлик жамиятининг раиси

МАЖИТОВ Шавкат Холматович — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг технологик бўлим қурилиши дирекцияси директори

МАҲМУДОВ Валижон Давлатович — Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига қарашли «Алоқаинвест» акциядорлик жамияти Фарғона алоқа механизациялашган кўчма колоннасининг пайвандчиси

ОМОНОВ Холиёр Равшанович — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасига қарашли «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти «Шўртон» қурилиш-монтаж бошқармасининг устаси

РИЗАЕВ Мухлис Ризаевич — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «18-автокорхона» акциядорлик жамияти раиси

САМИЕВ Ҳикмат Ҳамидович — Бухоро вилояти ҳокимлиги котибиятининг капитал қурилиш бўйича гуруҳ раҳбари.

СЕЙДАМЕТОВ Керим Рефатович — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасига қарашли «1-Бухоровилоятжамоақурилиш» трести бошқарувчиси

СЕМЁНОВА Наталья Николаевна — «Ўзнефтгазқурилиш» бирлашмасининг моддий-техника ресурслари билан бутлаш бўлими бошлиғи

СОБАЧКИН Михаил Петрович — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли «Ўзпўлаткурилма» трести Самарқанд «Пўлатмонтаж» бошқармасининг монтажчилар бригадаси бошлиғи

ТАНГРИЕВ Равшан Тангриевич — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» бирлашмасига қарашли «Муборакгаз» газ конлари бошқармаси «Кўкдумалоқ» қурилаётган корхоналари дирекциясининг директори

ХОЖИЕВ Яхши Норович — Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли Бухоро электр тармоқлари корхонасининг директори

ХРУЛЕНКО Борис Иванович — «Ўзбектрансқурилиш» уюшмасига қарашли «Самарқандтрансқурилиш» трести қурилишмонтаж корхонасининг бош муҳандиси

ЮСУПОВ Иззатилла Аҳмедович — Давлат ўрмон қўмитасига қарашли Ғиждувон ўрмон хўжалиги ишчилар бригадаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 18 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИНИ ВА КЎКДУМАЛОҚ КОНИДАГИ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИНИ ҚУРИШ ВА УНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ИШГА ТУШИРИШДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда эришган муваффақиятлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини ва Кўкдумалоқ конидаги компрессор станциясини қуриш ва уни ишга туширишдаги фидокорона хизматлари учун қуйидаги хорижий мутахассислар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

КЕННЕТ Джеймс Аллен — Америка Қўшма Штатларининг «М. Ю. Келлог» компанияси жаҳон савдоси бўйича вице-президенти.

ЭТЪЕН Гори — Франциянинг «Технип» компанияси 3-зонасининг бошқаруви директори

Қуйидагилар «Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи» билан мукофотлансин:

АЛЛАН Уотерс — Америка Қўшма Штатларининг «М. Ю. Келлог» компаниясидан Кўкдумалоқ конидаги компрессор станцияси қурилиши лойиҳасининг директори

БРЮНО де Лескен — Франциянинг «Технип» компанияси 3-зонасининг тижорат директори, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи лойиҳасининг директори

МАВИДИ Христофор Харилаевич — Қозоғистон Республикаси «Химмонтаж» акциядорлик жамиятининг вице-президенти — Жанубий Қозоғистон монтаж бошқармасининг бошлиғи

МЕТИН Ердогмуш — Туркиянинг «Гама» компаниясидан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи технологик қисми қурилишининг директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 18 август.

«Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси:

ҲИСОБ-КИТОБЛАР ДЕҲҚОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

кенг фойдаланилмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган товарларнинг турлари кўпаймоқда. Шу жумладан трикотаж, тикувчилик буюмлари, миллий амалий саноат товарлари, қурилиш материаллари, мебель, гилам маҳсулотлари кўпайди.

Тармоқда янги иш ўринларини очиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, пуллик хизмат турларини кўпайтириш, ўз эҳтиёжимиз учун эҳтиёт қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш юзасидан мақсадга мувофиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бир қатор қўшма корхоналар ишламоқда. Андижондаги Россия билан ҳамкорликдаги тикувчилик буюмлари, юмшоқ мебель ишлаб чиқарадиган қўшма корхона, Хоразмдаги Англия билан ҳамкорликдаги тиббий пахта, Россия билан ҳамкорликдаги бўз, дока ва ип калава, Жиззахдаги Англия билан ҳамкорликдаги пахта ёғи ишлаб чиқарадиган корхоналар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Сурхондарёнинг Ангор туманида калиш ишлаб чиқарадиган цех, соҳа учун керакли бўлган ўроб материали ишлаб чиқарадиган 16 та цех фаолият кўрсатмоқда. Бу цехларда ишлаб чиқарилган нотўқима мато соҳа эҳтиёжининг қарийб ярмини таъминлайди. Уюшмамиз тизимидаги корхоналарда 58 та тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарадиган цехлар бор. Тошкент вилоятининг Чиноз ва Қашқадарё вилоятининг Косон пахта заводларида чиқинди ҳисобланган ғўзапоядан қурилиш материали — ДВП ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ишламоқда.

Моддий-техника таъминоти соҳасидаги қийинчиликлар соҳамиз олдига бир қанча муаммоларни қўйди. Шу сабабли биз бундай ҳолатдан қутулиш йўлини излаб топишга ва ички имкониятлардан фойдаланишга мажбурмиз. Масалан, республикамизнинг ҳар бир вилоятида механик устахоналар ташкил этилган бўлиб, уларда лаборатория асбоб-ускуналари капитал таъмирланади, тайёр маҳсулот тойларини боғлаш учун белбоғлар, ностандарт ускуналар, эҳтиёт қисмлар тайёрланади ва таъмирланади. Бундан ташқари, илгари Россиянинг Челябинск шаҳридан сотиб олинадиган ва ишлатиш ресурси кам бўлган чўян колосниклар ўрнига узоқ муддат ишлатса бўладиган пўлат колосниклар ишлаб чиқарилмоқда.

Илгари Россиядан, Болтиқбўйи мамлакатларидан сотиб олинадиган ва уруғлик чигит солиш учун ишлатиладиган қоғоз қопларни эндиликда республикамизнинг Бектемир, Хўжаобод ва Бешкент пахта заводлари тикишни йўлга қўйди.

Хорижий валюта тақчиллигини ҳисобга олиб, чехияликлар билан ҳамкорликда маҳаллий хом ашёдан республикамизда ғарам устини ёпишга ишлатиладиган брезент ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз. Шу билан бирга, Андижон вилоятининг Хўжаобод пахта тозалаш корхонасида брезентни тежаш мақсадида уч қаватли мато-плёнка — матодан ташкил топган ёпқич ишлаб чиқариляпти. У синовдан ўтказиш жараёнида яхши натижалар берди ва бундай ёпқичлардан пахта ғарамлари устини ёпишда кенг фойдаланмоқдамиз.

Ўзбекистон пахта толасининг халқаро бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида саноат корхоналарини 2000 йилгача қайта техник қуроллантириш комплекс дастури ишлаб чиқилди, ҳозир уни Вазирлар Маҳкамаси кўриб чиқмоқда.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида замонавий, қисқа технологияга асосланган кам энергия ва металл талаб қиладиган, энг замонавий жаҳон машина — ускуналари билан жиҳозланган янги пахта заводи қуриб битказилди.

Бу заводда Ўзбекистон олимлари томонидан яратилган ускуналар АҚШнинг «Арма» фирмаси тайёрлаган қурилмалар билан уйғунлашиб кетган. Янги технология асосида ишлайдиган бу корхонада электр қуввати сарфи икки бараварга камаяди. Тола чиқиши 0,2-0,5 фоизга ошади. Цехлар жойлашган майдон 2,2 марта қисқаради. Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар сони 1,4 марта озаяди. Агар бу усул келажакда уюшма тасарруфидаги корхоналарнинг ҳаммасида қўлланилса, электр қуввати бир йиллик харажатларининг тежалиши 743,4 миллион сўмни ташкил этади. Қўшимча 11,7 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқариш имкони туғилади. Биз бу заводни 2000 йилнинг техникаси, яъни келажак асрнинг корхонаси, деб атадик.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, объектив ва субъектив сабабларга кўра, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилмади. Айрим корхоналар тола олиш топшириғини бажаришмади. Собиқ Иттифоқ даврида деҳқонларимиз пахта етиштирарди-ю, унинг қаерга, қанча пулга сотилаётганини билишмасди ҳам. 1990 йилгача пахта толасини сотиш билан собиқ СССР Енгил саноат вазирлигининг «Союзглавлегпромсирьё» бош бошқармаси шуғулланган. Фақат юртимиз мустақилликка эришгач, «оқ олтини»мизга ўзимиз эгалик қиляпмиз. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида жаҳон стандарти талабига мос ярим миллион тоннага яқин сифатли пахта толаси АҚШ, Англия, Италия, Франция, Бельгия, Корея, Бразилия, Швейцария ва Европанинг бошқа кўпгина етакчи мамлакатларига жўнатилди.

Уюшмамиз тасарруфидаги 123 та пахта тозалаш корхонаси, 577 та пахта тайёрлов масканлари, 15055 та ғарам майдончалари, 14286 та кичик механизация воситалари, 99284 та брезент таъмирланди, 440 та қуритиш — тозалаш цехи, 800 та автомобиль тарозиси, мавжуд 7076 та лаборатория асбоб-ускуналарини капитал таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланиб, 1997 йил пахта хом ашёсини ўз вақтида ва сифатли қабул қилиш, уни сақлаш ва қайта ишлашга шай қилиб қўйилди.

Капитал таъмирлаш вақтида корхонанинг барча ускуналари, ёрдамчи узаткичлар кўздан кечирилиб, ишга яроқсиз қисмлар алмаштирилди, ускуналар бетўхтов ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёрланди. Бундан ташқари бу даврда корхоналарга берилган янги ускуналар ўрнатилади ва реконструкция қилинади.

Корхоналарда ёқилғи — энергетика ресурслари ва мойлаш материалларидан тежамли фойдаланиш борасида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Нефть маҳсулотлари омборхоналарининг техник, эстетик ҳолати, ёнғинга қарши кураш воситалари белгиланган тартиб-қоидаларга ва ўрнатилган меъёрларга мувофиқлаштирилмоқда.

Хуллас, уюшмамиз корхоналари бу йилги пахта ҳосилини ҳам сифатли қайта ишлашга шай бўлиб туришибди. Бу ўз-ўзидан «оқ олтин»нинг, ўзбек толасининг шуҳратини янада оширишга хизмат қилади. Пахта тозаловчилар мамлакатимиз довруғини жаҳонга кенгроқ ёйдилар ва айни пайтда ўзбек пахтасининг дунё бозорини янада кўпроқ забт этишига хизмат қиладилар.

Ўзбекистон XXI аср бўсағасида

ЎЗИМИЗ КЎРАЙЛИК, ЎЗИМИЗ ҚУРАЙЛИК

Биринчи мақола

Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний бундан минг йил бурун шундай деган эдилар: «Фанлар кишилар кундалик талабларини қондириш зарурятидан пайдо бўлгандир». Бошқача айтганда, инсон ўзи яшаб турган замон ва макон сир-асрорини, дунёвий муаммолар жавобини билишга, борлиқ асосини тушунишга интилади. Табиий равишда у бу йўлда изланади, тажриба орттиради, тегишли хулосалар қилади. Уларнинг мажмуй пировардида муайян билимлар йўналишига асос бўлади. Фанлар ҳам ҳар хил бўлади: аниқ фанлар, табиий фанлар, ижтимоий фанлар. Албатта аниқ ва табиий фанларнинг жамият ҳаёти ва ривожида тутган ўрни доимо беқиёс. Яна Абу Райҳон Берунийга мурожаат қилсак, бу улуғ алломанинг Атлантика океанининг нариги томонида қуруқлик мавжудлиги борасидаги хулосалари, айнан ана шу аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги изланишлар маҳсулидир. Ким билсин, агар ўша узоқ X—XI асрлардаёқ ватандошимизнинг ушбу илмий башорати ўзининг амалий исботини топганида ё шунга уринилганида, кишилик тарихининг, ҳеч бўлмаганда Европа ва Америка халқларининг сунгги минг йиллиқдаги тақдири бошқача шакл ва мазмун касб этган бўлармиди. Биз бу билан ширин хаёлотга берилиб, юз бермаган ҳодисалар устидан миллий туйғуларимиз қудратини суиистеъмол қилган тарзда мушоҳада этмоқчимасмиз. Мақсадимиз бошқа: яъни хоҳ табиат, хоҳ жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлсин, ўз вақтида айтилган, ўртага ташланган аъло, ноёб фикр, фикрлар мажмуйи амалий тадбиғ йўлига кирса, жамият уни ҳазм этолса, шунга салоҳиятли бўлса, унга ривож беролса, анъанага айлантирса, бойитса, бундан ўша жамият доимо ютади.

Шу билан бирга аъло, ноёб фикр ҳамма вақт ҳам туғилавермайди. Шароит мавжуд бўлганда фикр бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатнинг чораси йўқ. Агар фикр туғилиб юзага чиққанда, сабабларидан қатъи назар шароит бўлмаса-чи? Бу энди чорасиз ҳолат эмас. Зеро муҳими фикр бор. Агар у жамиятга қаратилган бўлиб, миллат тақдири билан боғлиқ бўлса, у ҳеч қачон ўлмайди, у абадий. Чунки у ижтимоийлашади, тарихийлашади. Бу авлод бўлмаса кейингиси ундан албатта фойдаланади. Лекин бу бир авлод кейингисига, кейингиси эса келгусисига таяниб яшаши, бугунги ишни эртага қолдиришга ўрганиши керак, дегани эмас. Шу маънода юртбошимизнинг қуйидаги мазмундаги таъкидларини ёдга олиш ўринлидир: **Биз кўрмадик, майли фарзандларимиз кўрсин, дейиш яхши, албатта. Бу келажак тўғрисида қайғуриш белгиси. Аммо ҳар бир авлод, биз ўзимиз кўрайлик, ўзимиз қурайлик ўша муносиб ҳаётни, демоғи лозим. Шундагина жамият ривож топади, шундагина мақсадга тезроқ етишади.**

Ҳақиқатан ҳар бир авлод ўз замонаси талабидаги вазифаларни ўзи ҳал қилмоққа, орқага сурмасликка ўрганмоғи лозим. Шу ҳолатнинг ўзи анъана, одат, удумга айланса, қани энди. Шундагина ижтимоийлашган ҳар бир фикр жамиятга ўша даврдаёқ амалий наф беради. Баъзан шундай бўладики, ўз пайтида ўртага ташланиб, амалийлашган ягона фикр ё фикрлар мажмуи бутун бир жамият ҳаётида бурилиш ясаши, кейинги тараққиёт босқичларига ибтидо ролини ўйнаши ҳеч гапмас. Фақат бир шарти билан: жамият уни ўз вақтида салоҳиятла англаб етса.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарини ўқиганда биз худди ана шу нуқтаи назардан ёндашишни истардик. Яъни, бир неча минг йиллик ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлимиз манзарасида ушбу асар тутган ўрин қандай? У бугунги авлод тақдири учун қандай аҳамият касб этади, келажак учунчи? Мазкур саволларга туғри жавоб бериш бугун биз учун ниҳоятда муҳим. Зеро ушбу асар ўзбек давлатчилигининг 2700 йиллик тараққиёти давомида тўлиқ шаклланиб олмаган ўзбекона сиёсий тафаккур илмининг илк бирлаштирувчи намунасидир. Ўқувчида савол туғилиши мумкин: ахир тарихимизда йирик ва буюк давлат арбоблари ўтган-ку, дунёвий салтанатларга асос солинган замонлар ҳам кам эмас-ку? Бу оламшумул воқеалар қандай илм ё анъана асосида амалга оширилган?

Туғри тарихимизда саволдагидек буюк салтанатлар, уларга асос солган улуг сиёсатчилар бўлган. Масалан, биргина сўнгги минг йиллиқни оладиган бўлсак, Ануштегинийлар, Темурийлар даврида шундай эди. Биз бу ерда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200—1220), Амир Темур (1370—1405) даврларини назарда тутяпмиз. Одатда мазкур тарихий босқичлар туғрисида сўз кетганда биз, мана шунча давлат бизга тобе эди, сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ютуқларимиз мана бундай бўлганди, дея ғурурланамиз. Албатта, бу табиий ва ўринли, ҳар бир миллат ва авлодга хос фахрланишдир. Шу билан бирга биз асосан доимо бир саволни ўртага ташламай келдик, ё билиб турсак ҳам шунга жўраст қилмадик, ё бўлмаса ўша даражада фикр юрита олмадик. Яъни, хўш, ўша салтанатлар, тарихий ютуқлар қаёққа кетди, уларни нега сақлаб қололмадик? Ушбу саволга жавоб беришдан олдин асардаги қуйидаги фикрга эътиборни жалб қилсак: **«Ўзбек олимларининг куч-ғайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим саҳифалари, энг аввало, темурийлар даври, XIX аср охири — XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди. Шуни эсда тутиш муҳимки, ўтмишимизни «оқлаш» вазифаси умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир».**

Ҳақиқатан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида халқимизнинг мустамлака даври, айниқса унинг «совет» босқичида заҳарланган онгини тозалаш, бунда тарихий ва маънавий меросни тиклаш, унинг ёрқин намуналаридан ўз жойида фойдалана билиш вазифаси турарди. Бугунга келиб, юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз умуман олганда мазкур босқични ўтдик, ҳисоб. Энди тарихимизга ўта холислик билан назар ташлаш аҳамияти баланд. Бу бизда замона ва келажакка ҳам ана шундай муносабатда бўлишлик қобилиятини шакллантиришда қўл келади.

Саволга жавобга келсак, сиёсий тараққиётдаги юксалишлар билан таназзулларнинг ёнма-ён келишининг бош сабаби, аввало, жамият сиёсий аҳволини муайян бир меъёр, тартибга солиб турадиган, анъана, мактаб даражасига кўтарилган сиёсий тафаккур маданиятининг тўлиқ шаклланмаганидадир. Ижтимоий-сиёсий ривож у ёки бу асрда майдонга чиқадиган алоҳида арбоблар ва улар намояндаси бўлган сулолалар имконларига боғлиқ бўлиб қолган. Масалан, Амир Темур йўқ жойдан ўттиз беш йил давомида мамлакатни жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий-савдо, маданий маркази мақомига кўтаришга эришди. Аммо ўнинг вафотидан сўнг, ўттиз беш йил мобайнида улкан саъй-ҳаракатлар ҳисобига эришилган марралар қўлдан кетиш йўлига юztубан бўлди. Ё бўлмаса, Султон Муҳаммад сиёсий-ҳарбий қудратда Чингизхондан ҳеч бир заиф бўлмаган ҳолда, нафақат ўз ҳокимиятини қўлдан берди, балки, энг фожиалиси, асрлар давомида мисқоллаб йиғилган тарихий-маданий мерос билан бирга юрт озодлигининг бой берилишига сабабчи бўлди.

Ҳокимиятга келган ҳар бир сиёсий куч ўз салоҳияти даражасидан келиб чиқиб жамият ва давлатни бошқара бошлаган. Агар у ҳар жиҳатдан зукко бўлса, вазиятни тўғри англаб бошқарувни мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қилолган. Масалан, Амир Темур воқеликдан келиб чиққан ҳолда ҳам ўтроқ, ҳам кўчманчи, ярим кўчманчи аҳоли турмуш тарзини инобатга олган ҳолда мусулмон тартиблари (шариат) ва қонунчилиги ҳамда туро-тузукларга суяниб иш тутди. Айнан шу йўл билан у турли маданий ривож даражасидаги гуруҳлар, табақалар муносабатларида ҳамоҳангликка муваффақ бўлди. Шоҳрух (1409—1447) эса туро-тузуклар ролини инобатга олмади, улардан фойдалана билмади, шариатга зур берди. Жамият бошқарувидаги бир томонликка берилиши ўз ўрнида ижтимоий тақсимлашув жараёнини кучайтирди. Яқиндагина бир бутун жамият энди яна илгариги ҳолатига қайта бошлади: ўтроқ аҳоли ўз ички тартиблари асосида, кўчманчи аҳоли ўз анъаналари асосида яшай бошлади. Натижаси ҳам маълум: ҳар икки турмуш тарзи мавжуд маконлардаги сиёсий кучлар ўртасида ҳам ажралиш, қарама-қаршилик пайдо бўла бошлади. XVI аср бошида икки дарё оралиғида ҳокимиятни қўлга киритган Шайбонийлар ўзлари билан кўчманчи ҳаётнинг сиёсий тафаккурини олиб келдилар ва унга суянган ҳолда давлатни бошқара бошладилар. Бу ҳолат сиёсий бошқарув услубида орқага қайтиш эди. Мазкур «қайтиш» пировардида Россияга қарамликка тушиш билан тугади. Бориб-бориб сиёсий тафаккур шу қадар майдалашиб кетдики, аввалига бир бутун давлат учга бўлинди. Сўнг улар ўртасида ўзаро кураш авжига чиқди.

XIX асрнинг 20 йилларида Хева хонлигига инглиз элчиси келади ва «барибир сизларни эллик йилдан кейин Россия босиб олади, яхшиси биз билан келишинглар», таклифини беради. Шунда Оллоқулихон, мен эллик йилдан кейин бўладиган ишнинг машмашасини қилмайман, келажак авлодлар ўзи билиб иш тутади, қабилида жавоб бериб элчини қуруқ жўнатиб юборади. Орадан ярим аср ўтиб Россия ҳақиқатан ҳам хонликни забт этади. Кимдир айтиши мумкин: «инглизлар балода, қаранг эллик йилдан кейинги воқеаларни олдиндан кўра билган, авлиё бўлиб кетсин-ей.» Йўқ, бу ерда ҳеч бир авлиёлик йўқ. Бу ерда инглизларга хос бўлган сиёсий тафаккур маданияти бор. Чунки уларнинг ўзлари мустамлакачи бўлганлар, шу йўналишда ўзига хос маданиятга эга бўлганлар ва уларга суянган ҳолда Россия ҳаракатларини олдиндан чамалаш улар учун қийин эмасди. Бунинг акси ўлароқ Хева хонларида бундай, минтақа ва ундан ташқаридаги миқёсда сиёсий фикрлаш мактаби йўқ эди. Инглизларнинг муайян бир манфаатларини хонликка олиб кириб, сиёсий мустақликни қўлдан бермаган ҳолда ундан Россия тазйиқларига қарши усталик билан фойдаланса бўларди. Аммо бундай бўлмади. Жамият хавфсизлигини таъминлаш иши эпламади. Бунинг бош сабаби айтилганидек, сиёсий тафаккур маданиятининг йўқлигида, етилмаганидадир. Шу ўринда яна бир савол туғилади: мазкур сиёсий тафаккур маданиятининг шаклланиб етмаганининг сабаби нимада? Бундай сабаблар, фикримизча, камида иккита. Биринчидан, давлат бошлиқлари, ҳукмрон сулолалар ҳокимиятни иноят, айнан ўзларига худойи таоло томонидан берилган тухфа сифатида қарар эдилар. Давлат ва ҳокимият мавзусида қалам тебратган замондош - муаллифлар эса ўз қарашларида ҳам худди шу тушунчани илгари суриб, ҳам сиёсатчилар, ҳам бошқалар (фуқаролар ва уларнинг таркибий қисми бўлган зиёлилар) наздида мазкур ақиданинг туғрилиги борасида ижтимоий фикр туғдириб келганлар. Иккинчидан, жамият ижтимоий-сиёсий қарашларини шакллантиришда доимо катта ўрин тутиб келган зиёлилар асосан бор ижтимоий-сиёсий вокеликни тасдиқлаш, мадҳ этиш, ҳамда ҳаёлий-ижтимоий тартибларни орзу қилиш билан банд бўлганлар. Худди шунинг учун ҳам сиёсий қарашларни ўзида акс эттирган махсус адабиётларда (Форобийдан Аҳмад Донишгача) асосан жамиятнинг у ёки бу табақавий намояндаларининг юриш-туришлари, хатти-ҳаракатлари, вазифалари ҳақида сўз кетган. Давлат ва мамлакат бирлиги, ички ва ташқи сиёсатдаги доимий ва кундалик вазифалар, масалалар, турли ижтимоий табақалар, ҳукмрон кучлар олдида турган маъсулият, улараро ўзаро муносабатлар, ҳақ-ҳуқуқлар, мавжуд ижтимоий муаммолар таҳлили кабилар яхлит тарзда, бир йўналиш шаклида ишлаб чиқилмаган. Масалан, Низомулмулк, Навоий ва бошқалар ўз асарларида давлат ва жамият бошқарувига алоҳида шахслар — подшоҳлар фаолияти орқали баҳо берган ҳолда муайян ижтимоий-сиёсий ҳолатлар мағзини очиб бериш назарияси ва амалиёти қонуниятларини ишлаб чиқолмаганлар. Шунинг учун ҳам аслида босқинчи бўлмиш македониялик Александр Шарқ адабиётида одил ҳукмдор Искандарга айланган. Шунингдек ижтимоий-сиёсий қарашлар билан банд бўлганларнинг ўзлари реал ҳаётда фаол сиёсий ҳаракатлар қилиш имконига эга бўлмаганлар, ўз замонасига хос бирон ташкилотга уюшиш шароити йўқ эди. Ҳокимият масаласи доимо куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиниб келинган. Жамиятнинг аксар қисми ҳокимият тақдирини ҳал этиш жараёнидан бебаҳра бўлган.

Бундай ҳолат нафақат бизда, балки Ғарбда ҳам мавжуд бўлганини таъкидлашни истардик. Масалан, Макиавелли (1468—1527), Буффендроф (1632—1694) кабилар ҳам ҳокимиятнинг яккахукмдорлик асосида қурилиши назариясини олга сурганлар. Буффендроф давлатнинг асос топишида асосий омил сифатида худони қурсатишини эслатиш жоиз. Аммо XVIII—XIX асрлардан бошлаб Ғарб зиёлиларининг ижтимоий-сиёсий қарашларида қонунчилик, турли ижтимоий табақаларнинг фаол иштироки масалалари кенг ўрин бошлади. Бу қарашлар бир томондан ҳокимиятга даъвогар кучлар ва уларга таъсир ўтказиши мумкин бўлган ижтимоий табақалар онгида секин-аста ўз замонаси учун тараққийпарвар ўзгаришлар ясаган бўлса, иккинчи томондан «қуйи» табақаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўзғата бошлади. Бу жараённинг натижаси ҳам маълум. Биз бу ерда Европадаги «буржуа инқилоблари»ни назарда тутяпмиз.

Ғарбдан фарқли ўлароқ айнан XVIII—XIX асрларда бизда, айтилганидек, орқага «қайтиш» жараёни кечарди. Жамиятни қонунлар — тузуклар асосида бошқаришни йўлга қўйиш борасида амалга оширилган катта қадам (Амир Темур даврида), XVI асрдан бошлаб асосида қабилачилик ётган сулолавий бошқарув тизимнинг кучайиши таъсирида муомаладан четга чиқиб кетди. Чингизийлар истилоси даврини ҳисобга олмаганда X асрдан Амир Темур вафотига қадар (1405) мавжуд бўлиб келган ҳокимият тақсимоти жараёни бутунлай йўққа чиқарилди. Сиёсий бошқарув эски (архаик) тартиб асосида қурила бошланди. Биз давлатимизни бошқарган сулолалар номини санаганда, масалан, сўнгги минг йилликдагисида (сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, ануштегинийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, **манғитлар, қўнғиротлар, минглар**) охирги уч сулола қабилалар номини ўзида акс эттиргани, нима учун темурийларни барлосийлар деб ҳам аталмагани борасида фикр қилмаймиз. Мазкур муаммога бошқа бир мавзу орқали ойдинлик киритса бўлади, деб ўйлаймиз. Аслини олганда, бу мавзуга ҳам бизда диққат жалб қилинмаган. Бу ерда ўрта асрларнинг сўнггиларида ўзбек жамиятининг 92 та

АРОСАТДАГИ ОДАМ

ёхуд тўйда «нутқ» ирод қилган бир «олим»га жавоб

Памфлет ўрнида

Ҳурматли «домла»! Орадан шунча йиллар ўтиб, сиз билан яна юзма-юз келаман, деб сира ўйламаган эдим. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади, деганлари рост экан. Тўғрисини айтсам, сизни унутиб ҳам юборган эканман-у, бироқ сиз жон аччиғида, сўнгги талвасага тушган илондай заҳар сочиб, ҳали ҳам борлигингизни ёдимга солдингиз...

Яширмайман, сизни илгаритдан танирдим. Ўша тўйга мен ҳам боргандим. Бироз кечикканим боис, сиз «нутқ» ирод қилиб турган пайтингизга келиб қолибман. У ерда ҳам иззат-ҳурматингизни қилиб тўрга ўтказишган, сизга биринчилардан бўлиб сўз беришган эди.

Гапларингизни ярмидан, унда ҳам тўй ғала-ғовурлари орасида чала-ярим эшитиб, наҳотки, дея сесканиб кетдим. Наҳотки, сиз ҳамон ўша-ўшасиз?

Сиз: «Бозорларга кириб бўлмай қолди. Ҳамма ёқда қимматчилик. Нарх-наво осмонга чиқиб кетди. Мана, масалан, мен эгнимдаги шу костюмимни ҳам совет замонида олганман. Ҳозир эса, костюм тугул кўйлак ҳам сотиб ололмайман. Илгари костюм арзимас пул эди. Энди ўша пайтдаги костюмнинг пулига кўйлак ҳам ололмайсиз. Мисол учун, илгари нон 20 тийин, гугурт 1 тийин эди. Бозорларда бодринг ва помидорнинг килосини 3 тийин, 5 тийинга олардик...» қабилидаги ҳар бир сўзларингизнинг оҳанг ва ургуларини жой-жойига кўйиб гапирардингиз. Ё тавба, ё алҳазар, наҳотки, озодликнинг, эркинликнинг, ҳуррият-нинг, мустақилликнинг баҳоси гугурт нархи билан ўлчанса?... деб юбордим беихтиёр.

Воҳ! Аъзои-баданимга титроқ кирди. Ўтмишингиз ёдимга тушди. Сиз «ҳурматли домла», «муҳтарам устоз» эдингиз у пайтларда. Энг нуфузли институтлардан бирининг энг нуфузли раҳбарларидан эдингиз. Сиз соғинаётган даврларда дамингиз тош кесар, қўлингиз юлдузларга етар эди. Йўлингизни одам тугул ҳаттоки мушук ҳам кесиб ўтолмасди, десам муболаға бўлмайди.

Ҳа, мен сизни танирдим. У даврларда ҳамма сизга қўл қовуштириб, таъзим бажо келтириб турар, оғзингиздан бир сўз чиқиши билан айтган нарсангизни муҳайё қилишар, гаҳ десангиз казо-казолар ҳам қўлингизга қўнарди. Ҳамма нарсанинг сараси, асли, тозаси сизники, еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда эди.

Эсимда, барча тўю томошаларнинг энг тўрида, салобат ва қўр тўкиб ўтирардингиз. Атрофингизда эса бир ишорангизга интиқ, ҳамма нарсага тайёр, салла деса бошни олиб келадиган кимсалар бўларди. Ажабки, сиз доим хизматингизга тайёр, олимликни «устоз»га шахсий садоқат билан хизмат қилиш деб биладиган «аспирант» шогирдлар қуршовида бўлардингиз.

Ҳа, мен сизни танирдим. Сиз соғинаётган у даврларда республикамизда ҳали ҳеч ким минмаган янги русумдаги машиналар сизнинг тагингизда бўларди. Ёдимда, сиз оппоқ машиналар оғушида бахту сурурдан сармаст, гўёки осмонларда парвоз қилиб юрардингиз. Пойтахтнинг энг гўзал, энг баҳаво жойида ҳовлингиз бўларди. Ҳа, мен сизни танирдим, сизнинг ҳовлингизда, деҳқоннинг ҳовлисидек, помидор, бодринг ёки шунга ўхшаш тирикчилик учун зарур нарсалар эмас, бир-биридан чиройли гуллар ўсарди. Бу гулларнинг ҳар бир тупи ҳар қайси мамлакатдан келтирилганини айтиб, шу билан фахрланишингизни билардим. Сиз оддий ҳовлида эмас, Боғи Эрам ичида яшар эдингиз гўё. Ҳовлижойингизга қараш учун ўша пайтлардаёқ уйингизда хизматчилар тутган ҳам сиз эдингиз. Сиз истаган нарсалар уйингизга ботмонлаб, дастурхон-дастурхон бўлиб келиб турарди. Сиз фақат қора кўчқорнинг, каклигу беданаларнинг гўштини истеъмол қилардингиз.

Ҳа, мен сизни танирдим. У даврларда йилнинг исталган фаслида, истаган пайтингизда Қрим ёки Сочидами, Ялта ёки Карлови-Варидами дам олишга қурбингиз етарди. Сиз Қора денгиз бўйларида ўйнаб-кулиб юрар, нур тегмаган танингизни қуёшда қорайтирар, тоза ҳаво, иссиқ қум, тиниқ сув ва майин қуёш нурида астойдил тобланар эдингиз. Билаклари юмшоқ, бармоқлари узун ойимтиллаларнинг нозик қўллари салқиган мушакларингизга, таранг вужудингизга чексиз бир лаззат, роҳат бағишлар эди. Албатта, у ерларга келинойимиз билан бормас эдингиз-да. Умрингизнинг ярми Москва ресторанлари, Ленинград барларида ўтган, десам адашмайман.

Сиз маишату ялло қилиб юрган бир пайтда халқимиз оқ пахтанинг қора меҳнати тагида эзилар, саратоннинг сели бошидан ўтиб, товонини ёриб чиқарди. Пахта даласида қулларча ишлаётган азиз аёлларимиз-у, норасида болаларимизнинг юзлари иссиқдан буришиб, тиришиб кетарди. Ўзбек рўзғорларида қора қозонда оқ шўрва қайнамаган кунлар кўп бўлгани рост. Болаларимизга мактаблар раво кўрилмагани, улар изғиринли пахта далаларига ҳайдаб чиқарилгани ҳам рост. Бизнинг болаларимиз ўқиш, илм олиш учун эмас, гўёки фақат меҳнат, фақат қуллик меҳнати учун туғилган эдилар. Асарларингизда бундай қуллик — эксплуатация эмас, деб ёзилар эди. Букун мустақиллик туфайли у мусибатлардан қутилган, катта йўлда аниқ манзил сари бораётган бўлсак-да, ўша қаро кунлар азияти ҳали қалбларимиздан ўчгани йўқ.

Ҳа, жаноб «арбоб», мен сизни танирдим. Сиз соғинаётган у даврларда салобатингиздан от ҳуркарди. Узоқ пойтахтга қовунтарвуз, олма-анор, пистабодом ташиб, «КПСС тарихи»ни фан билиб, ундан ёқлаган «диссертация»нгизни халқимизга, меҳнаткашларимизга неча пуллик фойдаси борлигини бошқалар тугул ўзингиз ҳам тушунмасдингиз. Тушунмасдингиз-у, аммо буюк кашфиётлар қилган ихтирочилардек кўкрак кериб, ғоз юришни қойиллатардингиз-а?! Сиз фаол жамоат арбоби, сиз — фан даргаларидан бири эдингиз. Аслида эса, нақадар аччиқ бўлмасин, сиз истибдод тузумининг қўлидаги мафкуравий курол — даранглочи ноғора, қўғирчоқдан бошқа ҳеч нарса эмас эдингиз. Собиқ СССРнинг собиқ маркази-дан келган битта ароқхўр-пиёнистага пойи-патак бўлганингизни, унинг оёғини ўпиб-ялаганингизни, унга юғурдаклик қилганингизни айтсам...

Ҳа, мен сизни танирдим. У даврларда сизнинг асосий касбингиз ҳар йили институтларга казо-казоларнинг, лавозимдору мансабдорларнинг арзандаларини ўқишга киритишдан иборат эди. Яширмасдан айтганда, техникумлар ҳам сиздан четда қолмасди. Сиз муомала, олди-берди қиладиганларнинг энг кичиги район раҳбари ёки колхоз раислари бўларди. Мабодо, бирор мискин ҳақиқат сўраса, ҳақиқат талаб этса, уни... Очиғини айтсам, сиз ўзбекча гапиришдан-да, ор қилардингиз. Ўзбек қўлини кўксига қўйиб пешвоз чиқса, қўлини узатмай, бурнини жийирадиганлар хилидан эдингиз. Сизга ўзбек ҳам, ўзбек тили ҳам қолоқлик белгиси бўлиб кўринар эди. Ўзбек тили Давлат тили бўлолмайди, у тараққиётдан орқада қолган, сўз бойлиги қашшоқ, дея айюҳаннос солганлардан бири сиз эмасмидингиз? Мени маъзур тутинг-у, ўзбекнинг супрасида қорилган, тандиридан узилган нонни еб, ўрнини булғаб кетишдан тоймайдиган, халқнинг тузини татиб, тузлиғига тупурадиганлар хилидан эдингиз-ку. Тасодифан опангиз оламдан ўтгани эсингиздадир? Маъракага боришни ор билган, етим қолган жиянларингизга бир оғиз кўнгилга таскин берувчи сўз айтолмаган «маданиятли», «илғор», «замонавий» киши сиз эмасмидингиз?

Эсимизда, инсоният тарихида энг улуғ давлатлардан бирини тузган буюк бобомиз Амир Темурни бир чақага олмас, уни золимдан зўравонга, зўравондан золимга олиб солар, Аҳмад Яссавийлардек улуғ пирларимизни диний-мистик ғоялар тарқатган дея қоралардингиз. Бу халқнинг тарихи йўқ, совет ҳукумати бу ўлкага рўшнолик олиб келди, дея оғзингизни тўлдириб гапирганларингиз эсингиздами? Ўзбек халқининг 95 фоизи саводсиз бўлган, совет ҳукумати буларга ўқишёзишни ўргатди, дея гапирганларингиз-чи? Сиз эмасмидингиз минг-минг йиллик ўзбек тарихини унутиб, Самарқанд, Бухоро, Хева осори-атиқаларини гўёки кўрмай, узоқ ўрмонлардан топилган бир тақани асрлар қаъридан хабар беради, дея кўкларга кўтариб мақтаган? Ҳа, ҳукумат тепасига ким келиб қолса, сиз худди шундай йўллар билан унинг кўнглига йўл топиб, ҳамма ишингизни битказар эдингиз.

Ҳа, мен сизни билардим. Сиз нафратланадиган деҳқон-пахтакорлар сизга ҳайратланиб, осмондаги ойга қарагандай қарар эди. Сиз улар учун, ёш авлод учун бир орзу, бир намуна эдингиз гўё. Чиндан ҳам осмондаги ойдек ярақлаб кўринардингиз. Чунки газета, журналларда кулиб турган суратингиз дамбадам кўринар, ойнаи жаҳонда эса чиқмаган кунингиздан чиққан кунингиз кўпроқ бўларди.

Сўнги йиллар... Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, Гдлян, Ивановлар тимсолида мустабид тузум томонидан ўзбек халқига қилинган навбатдаги қатағонни, «ўзбек иши» дея аталган адолатсиз сиёсатни биринчилардан бўлиб олқишлаган, порахўрлик, таниш-билишчилик ўзбек халқининг қон-қонида мавжуд, дея жар солганлардан бири ҳам сиз эдингиз-ку, жаноб «олим»! Ваҳоланки, етиштирилаётган миллион-миллион тонналик пахта хирмони — ҳақиқий ўзбек иши шу эканини билардингиз!

Орадан анча сувлар оқиб ўтди.

Халқимиз мустақиллик байроғини озод кўтарди. Сиз эса ўз йўл-кўчангиз билан бирга кўринмай қолгандингиз. Тўй баҳона сизга яна дуч келдим. Мана қаерда экансиз! Чекка-чеккалардаги базми жамшидларда, миш-мишлар тарқатиб, сут билан кирган, жон билан чиқади, деганларидек эски «касбингизни» қилиб юрган экансиз-да. Ажабо, сиздек довюрак кўринган одам ҳақиқатнинг, воқеликнинг кўзига тик қарашдан чўчиб, ғаламислик қилиб юрса-я?! Сиз ҳозир ўзингиздан, атрофдаги истиқлол ўзгаришларининг ҳайбатидан қўрқиб яшаётган ожиз бир бандага айланиб қолибсизда. Сиз энди ғорларда нурдан, ёруғликдан қочиб юрган кўршапалакка ўхшаб зулматда кун кечираркансиз-да. Қоронғуда ўзингизни кўрсатмай, бойқушдек совуқ сайрайсиз. Панада туриб, жон чекиб қўлга киритганимиз Улуғ Истиқлолга тош отасиз.

Сиз — тирик мурда! Арвоҳингиз хилват-хилватларда беркиниб юради. Ҳамтовоқларингизни кўрмасам-да, танимасам-да, уларни қалбим кўзи билан кўраман. Бир қолипдан тушган ғиштлардай ҳаммангиз бир-бирингизга ўхшайсиз. Сизлар — эски ғиштларсиз. Сизлар янги иморатга, Истиқлол деган янги улкан иншоотга бир ғишт ҳам бўлолмайсиз. Ярамайсиз! Яхшиямки, сизлар — мустақиллик руҳига раҳна солувчилар энди мутлоқ озчиликсиз.

Биламан, жанобим, зулматлар тарқаб, ёруғ кунлар келди-ю, уйингизга қора кўчқорлар бормай қолди. Қимизлар дастурхонингизни безамай қўйди. Ҳа, костюм-шимингиз эскирди. Нафақат либосингиз, энди сизнинг ўзингиз ҳам эскирдингиз. Фикрларингиз, орзу-интилишларингиз, бари-бари эскирди. Энди сиз ва сизга ўхшаганлар ҳеч нарсага эришолмайди. Ҳамтовоқларингиз ҳам кўзларини каттароқ очишсин!

Замонлар эврилди. Одамлар ўзгарди. Аммо сиз ҳали ҳам ўзгармабсиз.

Мустақил Ўзбекистоннинг байроғи жаҳон узра ҳилпираётганига олти йил бўлди. Сиз буни кўриб, қуролмаяпсиз. Билиб қўйинг, Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида икки юзга яқин давлат тан олди. Сиз буни биласиз, аммо билиб билмаганга, кўриб, кўрмаганга оласиз, жаноб!

XX асрнинг энг буюк воқеаларидан бири Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани бўлди. Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида биз:

Ғалла мустақиллигига эришдик. Нефть мустақиллигига эришаяпмиз. Пахтамизни ўзимизнинг эҳтиёжларимиздан ортириб, бошқа давлатларга ҳам сотмоқдамиз.

Сиз пойтахтда энг замонавий бинолар қад ростлаётганини, пойтахтимиз жаҳон пойтахтлари билан беллашадиган қиёфага кираётганини гўёки кўрмайсиз.

Водийга элтадиган Камчиқ довони қурилишларини, Буюк Ипак йўлининг қайта тикланаётганлигини сиз кўрмайсиз? Қуролмайсиз!

Бухородаги Қоровулбозорда улкан нефтни қайта ишлаш заводи катта қувват билан иш бошлаганидан, энергетика мустақиллигига эришганимиздан гўёки бехабарсиз.

Сиз кўрмайсиз Андижондаги автомобиль заводимизни.

Жаҳон андозаларига мос ҳаво лайнерлари ишлаб чиқараётган Тошкент авиасозлик заводимизничи?

Сурхондарёда «Сурхон-Аджанта» қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган дори-дармонларни ҳам кўришни истамайсизми?

Сиз нега кўрмайсиз Навоийдаги дунё тан олаётган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, Қизилқум фосфорит заводини?

Намангандаги Мингбулоқ нефть конини ҳам қуролмаяпсизми?

Сиз нега кўрмайсиз Муборакдаги газни қайта ишлаш мажмуини?

Қашқадарё ва Сурхондарёни туташтирувчи Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилаётганини кўрмаяпсизми?

Сирдарёда «Ўзалтайтрактор» қўшма корхонаси,

Тошкент вилоятида «Кобул-Тўйтепа-Текстайлз» қўшма корхонаси,

Жиззахда Ўзбекистон-Буюк Британия «Жибри» қўшма корхонаси,

Қорақалпоғистонда «Элтекс» тўқимачилик мажмуи, «Катекс» комбинати, Кўнгирот сода заводи,

Хоразмда Дўстлик «Мерседес» юк ташиш машиналари заводи,

Фарғонада «Ўзсаламан» қўшма корхонаси,

Самарқандда Ўзбек-Британия Ургут тамаки-ферментация заводи ишга тушганини,

Улуғ Амир Темур руҳи Ўзбекистонга қайтганини кўришни истамайсизми?

Кўришни истамайсизми, Наврўзнинг ҳумо қуши янглиг Ватанимиз тоғ, қирлари, чорбоғларига келиб қўнганини?

Кўзларингиз очиғу аммо нечун кўролмайсиз Ўзбекистонимизнинг ўз Йўли, ўз Йўлбошчиси, ўз Манзилига эга эканини, ўз Йўлбошчиси раҳнамолигида белгиланган йўлдан адашмай олга бораётганини? Сиз нега кўролмайсиз Ўзбекистон бир тузумдан бутунлай бошқа бир тузумга ўтиб янгиланганини, бозор иқтисодига ўтиш даврида ҳам бирорта миллатдошимизнинг бурни қонамаганини, давлат ҳеч кимни четга суриб қўймаганини, юртимиздаги тинчлик, барқарорликни, саноатдаги тараққиётимизни, бутун халқ хўжалигидаги ўсишни сиз нега кўролмайсиз?

Айтинг-чи, сиз нега буларни кўрмаяпсиз? Йўқ, сиз уларни жуда яхши кўрасиз. Аммо, келажак ҳақидаги тасаввурларингиз кўлмакда туриб қолган сувдек бутана, қуланса.

Сиз эски даврдан узилиб, янги даврга киролмай қолган, аросатдаги одамсиз. Сизни кўкларга кўтариб, тириклигингиздаёқ сизни ҳайкалга айлантириб қўйган «КПСС» деган замин энди оёғингиз тагида йўқ, сиз унинг ўрнидаги ботқоққа ботиб қолган гумроҳ бандасиз. Янги замонга, мустақиллик даврига киролмаган, йўлидан адашган, тўғрироғи йўлини йўқотган одамсиз.

Сиз лоақал набираларингиз келажагини ўйласангиз бўлмайдими? Улар ҳам сиз каби мустамлакачиларга умрбод қуллуқ қилиб яшашини наҳотки истар эдингиз? Худо кўрсатмасин, мустақиллик бўлмаганда улар ҳам ўз миллий давлатларига эга бўлмасликлари, сизга ўхшаб англаб-англамай кимларнингдир хизматини қилиш эвазига рўзғор тебратишлари мумкин эди-ку. Шуларни ўйлаб даҳшатга тушмайсизми, жаноб «олим», жаноб «арбоб»!

Жаноб, кун келиб хокингиз бошқа тупроқда эмас, шу мустақил Ўзбекистон тупроғида ётишини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Сиз наҳотки бир кун келиб отабоболарингиз ёнидан жой олганингизда қабрингизни мустабидлик руҳи босиб ётишини хоҳлайсиз?

Умр буйи ёлғон ғояларга ишониб яшаганингизни нега мардона тан олмайсиз, жаноб? Эл-юрт олдида тавба-тазарру қилиш ўрнига нега чекка-чеккаларда паналаб миш-мишлар, бўҳтонлар тарқатасиз? Шу билан наҳотки кўнглингиз таскин топса, шу билан наҳотки ўзингизни юпатсангиз?

Билиб қўйинг, сиз соғинаётган тузум умрини яшаб бўлди. У тузум одамларининг ҳам даври ўтди, жаноб! Жаноб, сиз руҳингизни уйғотинг! Қалбингизни уйғотинг!

Тўйда гапларингиз чалаярим қулоғимга чалинаркан, мен аламдан, изтиробдан титраб кетдим. Мустақиллик бизнинг ор-номусимизга, виждон-иймонимизга айланганига ишонч ҳосил қилдим. Мен Мустақиллик сўзини ҳеч қачон ҳиссиз, оддий, шунчаки айтолмайман. Кўкрагимни тўлдириб Истиқлол десам, кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетади. Аммо бу саодат ёшлари! Толе, қувонч ёшлари! Мени, мен эмас, бизни — халқимни дегим келади, энди ҳеч нарса Истиқлолдан ажратолмайди. Мустақиллик бизнинг тақдиримиздир!

Мен бугун кўкрагимни тўлдириб ҳайқиргим келади:

Мустақиллигимиз Байроғи абадий ҳилпираб турсин! Абадий ҳилпираб турсин Миллий Давлатимизнинг нурли Байроғи! Миллат Байроғи бизни юксалишларга чорлайверсин! Ҳуррият Байроғи бошимиз узра мангуга ҳилпирайверсин!

Мустақиллик Герби абадий барқарор бўлсин! Мустақиллик Мадҳияси жаҳон узра абадий янграйверсин!

Азим СУЮН,
Жаҳон шоирлари Конгресси аъзоси.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Кундалик маҳсулотлар қимматлиги жиҳатидан Москва Европадаги энг олдинги шаҳарлардан биридир. Жаҳонда эса ушбу кўрсаткич бўйича Токио ва Гонконгдан кейин учинчи ўринда туради. Бу ҳақда Швейцариянинг «Корпорейтрисорсизгруп» компанияси хабар беради. Ушбу компаниянинг тадқиқотлари йилига икки марта нашр этилади ва ҳукуматлар ҳамда корпорациялар томонидан кенг фойдаланилади. Тадқиқот жараёнида 200 дан зиёд товар ва хизматлар нархи, жумладан озиқ-овқат, турар жой, кийим-кечак, транспорт ва бошқалар ҳисобга олинади. Санкт-Петербург ҳам жаҳондаги ўнта кундалик маҳсулотлар нархи қиммат шаҳарлар сирасига киради. Нью-Йорк эса Лондон, Париж, Женева, Қоҳира, Рио-де-Жанейро, Буэнос-Айрес, Ханой, Тель-Авив ва Киевдан кейин 31-ўринда туради. Рўйхатдаги 145 шаҳар ичида энг охирги ўринни Йоханнесбург эгаллаб турибди.

* * *

Россия ва Қозоғистон ўртасидаги фуқароликни қабул қилишни оддийлаштириш ҳақидаги тартиблар ҳақидаги келишувлар кучга кирди.

Бугундан бошлаб Қозоғистоннинг ҳар қандай фуқароси Россияга доимий яшаш учун кўчиб келса ва у ерда яқин қариндош-уруғлари бўлса, Россия Президенти ҳузуридаги махсус комиссия ёрдамисиз ҳам Россия фуқаролигини олиши мумкин.

* * *

АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Билл Ричардсоннинг МДҲ мамлакатлари бўйлаб сафари давом этмоқда. У сафар давомида Душанбе, Тошкент, Алмати, Тбилиси, Киев ва Москвада бўлади. 20 август куни эса Ричардсон бир кунлик ташриф билан Москвага келади.

ВЕШ ИЛДИЗЛИ БИР ЧИНОР

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўз қарорғоҳи янги пойтахт—Оқмалага кўчиб ўтишини маълум қилди. Шу йилнинг 10 октябрига қадар республика раҳбарияти ва ҳукумати янги пойтахтга кўчиб ўтиши керак. Оқмалага республика пойтахти мақомини бериш учун унинг таркибига Кўкчатов шаҳри ҳам кўшиб бериладиган бўлди.

* * *

Шу йилнинг сентябрида Қирғизистон пойтахти Бишкекда «Ипак йўли» деб номланган Транс-Осиё халқаро ярмаркаси иш бошлайди. Бу тадбирга қатнашиш учун ҳозирданоқ жаҳоннинг 30 мамлакатидан 400га яқин фирмалар ўз маҳсулотларини тақдим қила бошлади. Ярмаркага Ўзбекистон ҳам ўзининг энг замонавий радиотехника ва енгил саноат маҳсулотлари билан қатнашади.

* * *

Янги ўқув йилидан Ашгабатда энергетика институти иш бошлайди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Франция Президенти Жак Ширакнинг қизи Клод давлат раҳбарлари қизлари уюшмасини ташкил этишни мўлжалламоқда, деб хабар қилади Британиянинг «Санди Таймс» газетаси. Маълумки, у отасининг Франция Президенти лавозимини эгаллаши учун сайловолди кампаниясида фаол иштирок этди. Мақола муаллифининг фикрича, Клоднинг ташаббуси бошқа давлатларнинг президентлари қизлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бу масала Татьяна Дьяченкога ҳам тааллуқли. Чунки у отаси Борис Ельциннинг 1996 йил ёз ойида президентлик сайловида ғолиб чиқишига кўмаклашди. Татьяна Клод Ширакнинг Франция Президентини сайлаш жараёнидаги фаолиятини тўла ўрганиб олди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг қизи Дарига ҳам давлат раҳбарлари қизлари уюшмасини ташкил этиш ташаббускорларидан биридир.

* * *

«Сидней Геральд Монинг» газетасининг ёзишича, бугунги кунда Австралия ва Аргентинада иштаҳасизлик ва очофатлик авж олиб кетган. Масалан, Австралияда иштаҳа йўқлиги ёки унинг тескариси натижасида 15 мингдан зиёд киши саломатлигини йўқотган. Бинобарин, ҳар йили улар сони камида минг кишига кўпаймоқда. Австралиялик олимлар бунинг сабабини тартибсиз овқатланишдан, дейишмоқда. Аргентинада эса аҳвол бундан ҳам баттар. Иштаҳа йўқлиги, кўпинча эса очофатликдан ҳар 10 ўсмирнинг бири азоб чекмоқда. Шуниси қизиқки, уларнинг кўпи қизлардир. Олимлар бунинг сабабини мамлакатдаги маданиятга боғлашмоқда. Гап шундаки, Аргентинада болалар тарбиясига, айниқса қизлар тарбиясига салкам биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Шу боис ҳам кўпинча бу ерда «Барби қўғирчоғидек дўмбоққина» ёки «парҳез туфайли эзилган» ориқ одамларни кўплаб учратиш мумкин.

* * *

Британиянинг «Санди» газетаси миллионер «Доди Файеднинг фотомодель Келли Фишер билан ҳали ўтказилмаган тўйи ва унинг малика Диана билан муносабатлари ҳақида ёзади. Газетага берган интервьюсида Фишер собиқ қаллиғидан хафа бўлганлигининг, Файеднинг Диана билан муносабатларини аввалдан билишлигини айтди. Аммо қаллиғининг дўқ-пўписаларидан қўрқиб индамай келганмиш. Бироқ Американинг «Лос-Анжелес Таймс» газетасида берилган интервьюда Доди Файед билан Келли Фишер ўртасидаги муносабатлар ўтмишда қолиб кетди, энди улар яхши дўст холос, дейилади.

«ЎЗБЕКИСТОН НЕЪМАТЛАРИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклда белгиланган хонадан соат миллари йўналишида рақам атрофига ёзиш билан ўйланмани ҳал этинг.

1. Эртапишар сабзавот. 2. Ошкўк сифатида ишлатиладиган бир йиллик хушбўй ўсимлик. 3. Энг кўп истеъмол қилинадиган серсув сабзавотлардан бири. 4. Гулзор ва мевазор бунёдкори. 5. Нокнинг сершира, рангдор йирик нави. 6. Баъзи хўл мевалардан тайёрланадиган ичимлик. 7. Маҳаллий гуручнинг сув кўтарадиган нави. 8. Ғалла тури. 9. Ҳосили серэт сабзавот. 10. Қовуннинг қишга сақланадиган нави. 11. Илдизмевали сабзавот. 12. Хушхўр, кечпишар тоғ меваси. 13. Ҳосили полизда етишадиган ўсимлик. 14. Таъми аччиқ хушхўр неъмат. 15.Серсув, данакли хўл мева. 16.Қовуннинг эртапишар, тўрлама, эти қизғиш хушбўй нави. 17. Қишга сақланадиган нок тури. 18. Олапўчоқ, эти юмшоқ ширин қовун нави. 19. Ўрик мевасининг қуритиладиган хили. 20. Қовуннинг асосан Хоразм воҳасида етиштириладиган кечпишар нави. 21. Таомга солинадиган кўкат. 22. Кузда пишиб етиладиган илдизмевали сабзавот. 23. Кўп етиштириладиган, йил бўйи истеъмол қилинадиган сабзавот. 24. Данаги олиниб қуритиладиган ўрик. 25. Хўл мева ва баъзи сабзавот экини ҳосилидан тайёрланадиган ширинлик. 26. Бошоқли дон экини. 27. Сабзи нави. 28. Полизда битадиган неъмат. 29. Таъми нордон, данакли хўл мева. 30. Ширин таъмли, ёзда пишар мева турн.

Муаммонома. *Аввал қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.*

1. Поясидан пардоз бўёғи олинадиган қизғиш гулли манзарали ўсимлик — 11, 4, 12, 3.

2. Қуёш тикка кўтарилган пайт — 9, 4, 1, 6.

3. Коинот ёруғлик ва иссиқлик манбаининг яна бир атамаси — 10, 3, 6, 2.

4. Оғирлик атамаси — 8, 3, 5, 12.

5. Теридан ишланган, суюқлик сақланадиган идиш — 6, 7, 10.

Энди шакл атрофидаги айланмаларда берилган рақамларни жавоблардаги таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан белгиланган йўналиш бўйича ўқиш билан ўзбек халқ мақолларидан бири аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 19 avgust, seshanba № 97 (22.181).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҚИЛИЧЛИ БАЛИҚ

Ўн саккиз минг олам

Ҳайвонот дунёсида сувда яшовчи жониворлар ҳаёти ўзгачадир.

Бу ҳақда Санкт-Петербурглик машҳур табиатшунос олим Александр Федорович шундай воқеани сўзлаб берган эди.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлишидан муқаддам илмий кузатиш ишлари океанларнинг бирида олиб борилар эди.

Кунларнинг бирида кемамиз мовий океанда навбатдаги йўналиш бўйича секин сузиб борарди. Кемага келиб урилган сув тўлқинлари шовқинини ҳисобга олмаганда океанда сокинлик ҳукм сурарди. Тўсатдан кемадаги кузатувчилардан бирини қичқириғи эшитилди: «Торпедо, торпедо ҳув ана чап томонда...»

Дарҳақиқат, кема сардори билан анча оралиқ мусофадан биз томонга қараб ўқдек тезлик билан сузиб келаётган шарпани кўрдик. Кема сардори дарҳол кемани ўнг томонга буруш учун буйруқ берди. Кемани бурушга улгурган ҳам эдикки, келаётган нарса кемани ёнгинасидан шувиллаб ўтиб кетди ва ўттиз метр масофадан бурилиб олганча яна кема томонга қараб сузиб кела бошлади. Шу қисқа фурсат ичида кемани сув ичидаги пастги қисмига нимадир қаттиқ урилди. Биз кемага урилган нарсани аниқлашга ҳам улгурмасдан, кема қаттиқ чайқалиб тебрана бошлади. Кемадагилар ваҳимага тушиб қўрқиб кетган эдилар. Биз бу воқеани сездирмасликка ҳаракат қилиб, кемани тинимсиз қимирлаш сабабини аниқлашга киришдик. Маълум бўлишича, баҳайбат қиличли балиқ зарб билан кемага урилгач, кемага кириб қолган қиличини суғуриб олиш учун тинимсиз ҳаракат қилаётган экан. Шу ондаёқ кема сардори ён ғилофидан тўппончасини олиб, сувни ичида кўриниб турган қиличли балиқни бош қисмини мўлжаллаб тўрт маротаба ўқ узди. Сўнгра балиқни сувдан, кемани устки қисмига олиб чиқдик. Унинг қиличини ярмисидан кўпроқ қисми кемада синиб қолган эди.



Бу баҳайбат қиличли балиқни узунлиги 6 метру 35 сантиметр, оғирлиги эса 690 килограмм, қурол сифатида ишлатадиган қиличи 1 метру 75 сантиметрни ташкил этарди. Қиличли балиқлар нафақат катта кемаларга, балиқчиларни қайиғига ҳам ҳужум қилиб, зарб билан уриш натижасида қиличи қайиқни икки томонини ҳам тешиб юбориши мумкин. Океан ва денгиз оламида яшовчи жонзотлар ичида энг тез сузадигани қиличли балиқ ҳисобланиб, у соатига 145 километр тезлик билан сузади. Шундай катта тезлик билан сузадиган қиличли балиқ акула ҳамкорлигида китга ҳужум қилади. Акула ўз ўлжаси танасидан бир бўлак гўштни узиб олса, қиличли балиқ тиши бўлмаганлиги сабабли китни танасига бир неча бор қиличи билан уриб қаттиқ жароҳатлайди. Олиб борилган илмий кузатишлар натижасида улкан китнинг танасида бир неча қиличли балиқни синиб қолган қиличлари учрагани ҳам маълумдир. Қиличли балиқ ўзи яшаб турган сувли майдон чегарасидан ўтган жонзотлар ёинки кемалар учраб қолган тақдирдагина ҳужум қилади. У сувда яшайдиган майда жонзотлар билан озиқланади.

Асқар ХОЛМЎМИНОВ.

ТАБИАТ ЖОНБОЗИ

Ургут тоғларининг муъжаз табиати туфайлими Асқар Холмўминов ёшлигидан табиат, ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг шайдоси бўлиб вояга етди. 1964 йилда дорилфунуни тугатди. Ўзбекистон ФА зоология ва палеозитология илмий-текшириш олийгоҳининг ҳашоратлар тажрибахонасида катта лаборант бўлиб ишлай бошлади. 1969 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, биология фанлари номзоди, деган илмий унвонни қўлга киритади.

А. Холмўминов 1993 йилдан Ўзбекистон Республикаси ўрмончилик Давлат қўмитаси қошидаги қўриқхоналар ва миллий боғлар бош бошқармасида, бош мутахассис бўлиб ишлайди. Шу йиллар давомида у иккита ўқув қўлланмаси нашр этиб, табиат муҳофазасига бағишланган 40 га яқин мақолалар муаллифи бўлди.

Айни пайтда Асқар Холмўминов Ўзбекистон Республикаси ўрмончилик Давлат қўмитаси илмий—техника ва ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда.

МАЙДОНДА УМИДЛИ ҚИЗЛАР

Республикада қишлоқ хотин-қизлари XVIII спартакиадаси бўлиб ўтди

Мустақилликнинг 6 йиллигига бағишланган спартакиаданинг очилиш маросими тантанавор бўлди. Косонсой шаҳар марказий ўйингоҳида республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилиб, иззат топган халқаро спорт усталари — баскетболчи Равила Салимова билан волейболчи Вера Дуюновалар шарафланди. Мусобақа қатнашчиларини Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси, спартакиадани ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Д. Ғуломова, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Жамолов, Наманган вилоятининг ҳокими Т. Жабборовлар қизғин қутлашди.

Мамлакатимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистондан ташриф буюрган спортчи хотин-қизлар волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси, теннис, енгил атлетика бўйича ўзаро беллашдилар. Волейбол ва шахмат мусобақаларида наманганликларнинг қўли баланд келди. Шашка бўйича Тошкент вилояти қизларининг маҳорати сезилиб турди. Стол тенниси баҳсларида эса Самарқанд, катта теннисда фарғоналикларга тенг келадиган топилмади. Енгил атлетика бўйича баҳслар ҳам майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди.

Косонсойда бўлиб ўтган спартакиаданинг кўпсонли томошабинлар, спорт мутахассислари кузатиб туришди. Албатта, мулоҳазалар айтилди, таклифлар билдирилди. Ана шулардан бир-иккитаси:

— Қизларнинг ўз жамоаси шарафи учун жон қуйдириб, ўринишларига тан бериш керак.

— Баскетбол тури қўшилса, спартакиада мазмуни яна ҳам бойирди.

— Спортчиларда ғайрат зўру, маҳорат кам. Тайёргарлик машқлари тобига етмагандек. Умуман, қишлоқда спорт оммавийлигини, хотин-қизларимиз шуғулланиши учун шароитларимизни етарли қилиб қўйиш пайти келди....

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ — БАРҚАРОРЛИК ТИМСОЛИ

Футбол

ЧЕМПИОН БЎШ КЕЛМАДИ

Олий табақа футбол жамоаларининг мамлакат миллий чемпионати 20-тур учрашувлари йирик ҳисобларга бой бўлди. Хусусан, «Дўстлик» футболчилари «Хоразм» жамоасини қабул қилиб, дарвозага 8 та тўп йўллаб, битта ўтказиб юборишди. Икки учрашувда бир хил ҳисоб қайд қилинди: «Янгиер» — «Суғдиёна» — 3:0, «Пахтакор» — «Бухоро» — 3:0, «Насаф» жамоаси Тошкент тракторсозларини қабул қилиб, 5:1 ҳисобида устун келишди. Зеро, мамлакат чемпионлари — «Навбаҳор» жамоаси билан МҲСК футболчилари учрашуви мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳозиргача бирорта ҳам на дуранг, на мағлубият нималигини билмай келаётган армиячилар чемпионлар майдонида дастлабки дурангга рози бўлишди. Ўйин 2:2 ҳисобида тугади. Қолган ўйинлар қуйидагича: «Зарафшон» — «Косонсой» — 3:2, «Андижон» — «Афросиёб» — 1:0, «Атласчи» — «Сурхон» — 0:1. Бугун «Трактор» — «Навбаҳор» учрашуви билан 21-тур ўйинлари бошланади.

ЗАРБИ ЗЎР ЙИГИТЛАР

Тошкетда профессионал боксчилар халқаро мусобақаси ўтказилди

Рингга биринчи бўлиб белоруссиялик Андрей Гурнеев билан ўзбекистонлик Мирзоҳид Жонбоевлар кўтарилишди. Эълон қилинишича, меҳмон боксчи бугунгача 25 та жанг қилиб, 15 марта ғалаба қозонган экан. Ҳар иккала боксчи учун ҳакамлар 6 раундни лозим топишди. Зеро, Мирзоҳид афсонавий Тайсонга ихлос қўйганини намойиш этди. У дастлабки раунддаёқ, рақибига кучли зарба бериб, ғалабани ўз фойдасига ҳал қилиб қўя қолди.

Умуман, жангни чўзиб ўтирмай дастлабки раундлардаёқ накаутли зарбалар билан рақибини танг аҳволга солиш, яъни тайсонча жанг боксчиларга маъқул келиб қолган кўринади. Яна бир боксчимиз — Риҳсибой Шомирзаев ҳам ана шу усулни қўллади. У россиялик Александр Тишенкони нокаут билан енгиб, доғда қолдирди. Аммо боксчиларнинг вазнлари ошиб, тажрибалари кўпайиб борган сайин дастлабки раунддаёқ ғалабага эришишнинг ўзи бўлавермайди.

Мухлислар қозоғистонлик боксчи, аслида африкалик спортчи Пол Тузендрнинг рингга кўтарилишини сабрсизлик билан кутишди. Қизиғи шундаки, унга қарши боксчимиз — «Пан Осиё» профессионал клубининг аъзоси, бугунгача 9 та жанг ўтказиб, 7 тасида ғалаба қозонган Фарҳод Арслонов рўбарў келиши керак эди. Дастлабки зарбларданоқ ҳар иккала боксчи эҳтиёткорлик билан, куч ва маҳоратларини расамади билан ишлатишга ҳаракат қилаётгани кўзга ташланди. 6-раундга борганда Фарҳод бироз толиққандек бўлди. Зеро, у спортчиларга хос нафасини ростлаб, ташаббусни қўлга олди. Аниқ зарбалар билан очколар тўплаб, ҳакамнинг ғалабани унинг шарафига эълон қилишига эришди.

Шундай қилиб, профессионал боксчиларнинг биринчи халқаро мусобақаси қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Мухлислар мамнун бўлишди. Аммо мусобақалар анъанага айланар экан, бундан буён ғолиб шарафига Давлат мадҳияси янграб, Давлат байроқлари кўтарилиши ҳам йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлурди. Иложи бўлса, видеотасмалар ёрдамида жангнинг нозик жойларини мухлисларга такрор кўрсатиш ҳам айни муддаодир.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

Акционерное общество «УЗМЕТАЛЛТОРГ» предлагает:

	НАИМЕНОВАНИЕ ПРОДУКЦИИ	ЦЕНА ЗА 1тн В СУММАХ
1	Баллоны кислородные	9500
2	Уголок 140х140	56500
3	Уголок 160х160	53500
4	Рельсы Р-33	17931-06
5	Уголок 200х200	53500
6	Балка 30	56500
7	Накладки-подкладки	6468.90
8	Фитинги (угольники, крестовина, контрогайки, муфты, тройники)	договорная
9	Лента нихромовая	договорная
10	Заклепки стальные разных размеров	6897-00
11	Гвозди разных размеров	договорная
12	Шайба пружинная разных размеров	договорная
13	Сетка стальная просечно-вытяжная кв.м	183-00
14	Электродвигатели 4 ам-100шт	договорная
15	Канаты разные	договорная
16	Флянцы разные шт	договорная
17	Винты разные	договорная
18	Сетка рабица кв.м 25Х1.8	250-00
19	Флюс АОР-4А	206169
20	Ртуть	197378
21	Латунный порошок	110940
22	Сталинит	66893
23	Медный порошок	199692
24	Титановый прокат	436128
25	Сталь калиброванная	19083-60
26	Сталь конструкционная Ш-П	17663-16
27	Сталь инструментальная	28886-60
28	Сталь сортовая нержавеющая никелесодержащая	120042-00
29	Пер. Профиль 16 ст - 5	27327-03

Адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин, 135. АО «Узметаллторг». Телефоны: 48-47-66, 48-30-64, 48-07-05, 48-47-07, 48-50-31.